

Сийрат дарслари (47-дарс). Мусулмонни сўкиш фосиқликдир



15:10 / 25.08.2019 4402

Аҳнаф ибн Қайсдан ривоят қилинади:

«Мен бу кишини (Алийни) ирода қилиб, (йўлга) чиқдим. Абу Бакра учраб қолди ва: «Эй Аҳнаф, қаёққа?» деди. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакиларининг ўғлига ёрдам бермоқчиман», дедим. Яъни, Алийга. Шунда у менга: «Эй Аҳнаф, қайт! Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Қачон икки мусулмон қиличлари билан юзмаюз келишса, иккови ҳам дўзах аҳлидан бўлади»**, деганларини эшитганман», деди. «Қотил-ку, майли, мақтул нима учун?» дейилмаганми!» дедим. **«У ўз соҳибини қатл қилишни мақсад қилган эди»**, деди».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Бирингиз ўз биродарига қурол билан ўқталмасин. Чунки шайтон эҳтимол унинг қўлини ўйнатиб, дўзахнинг чуқурига тушиб қолишига сабаб бўлишини ўзи билмай қолади»**.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда: «Абул Қосим соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Ким ўз биродарига ўткир темир билан ўқталса, уни фаришталар лаънатлайди»**, деганларини эшитдим», дейилган.

Муслим ривоят қилган.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Муслмонни сўкиш фосиқликдир ва у билан уруш қилиш кофирликдир»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Муслмон – муслмонлар унинг тилидан ва қўлидан омонда бўлган одамдир. Мўмин – одамлар унга қонлари ва молларини ишонган одамдир»**, дедилар».

Термизий, Насоий, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, Исломдаги қайси (амал) афзал?» дедим. У зот: **«Қўли ва тилидан муслмонлар омон бўлган киши(нинг амали)»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан